Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 10-may, juma № 57-58 (3251)

Ўзбекистонимиз ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бош эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайди.

Ислом КАРИМОВ

Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқ ва марраларимизнинг асосидир

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Бугун орамизда бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш — жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида.

Илгари, совет тузуми даврида 9 май асосан Ғалаба байрами сифатида бутун СССР ҳудудида катта дабдаба билан нишонланарди. Қизил майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарда эса шўро доҳийлари турар эди. Афсуски, бундай манзарани бугун ҳам собиқ совет ҳудудидаги айрим мамлакатларда кўриш, кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан 15 йил олдин мамлакатимизда бу санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмуни тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги «Номаълум солдат» деб ном олган, қандайдир мавҳум ғояни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Бу биринчи навбатда мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндиликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим тусини олди.

Ўтганларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охирати обод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намоён бўлмоқда. Чексиз қайғуга чўмган Онаизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдири, уларнинг соғинч ва изтироб туйғулари акс этган.

Хотира майдонида миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига тан бериш, уруш фожиаларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканини ифода этади.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 09:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Айни шу кунларда барча-барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмони учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилади.

Бугун орамизда бўлган, бизга маънавий ибрат бўлиб юрган барча уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Юртбошимиз. Шулар қаторида фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча-барча фахрийларимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Бугун шу улуғ айёмни нишонлар эканмиз, бу ғалабанинг кўпчилик қаторида бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушганини, халқимиз бу мудҳиш урушда қанча қурбонлар, қанча йўқотишлар берганини, қанча етим-есирлар, мислсиз азоб-уқубатларни кўрганини ёдга олсак, айтиш мумкинки, эл-юртимизнинг тақдири, унинг келажаги ҳал бўлган ўша даврларни эсласак, бу қонли уруш одамларимиз хотирасида умрбод қолажак. Урушнинг тугаганига 68 йил бўлишига қарамасдан, бундай қирғин, бундай офатни бугун ҳам одамларимиз алам ва изтироб билан эслайди.

Шулар ҳақида гапирганда, баъзи бир рақамларни эсга олишни ўринли, деб биламан, деди Президентимиз.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари, албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда. Яъни, тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини яна такрорлаши мумкин.

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, хавф-хатарлар кучайиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш қийин эмас.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар эканлигини алоҳида таъкидлади.

Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигига урушда қатнашаётган томонлар тобора иқрор бўлмоқда, айнан шу ҳолатни кўпчилик тан олмоқда.

Бошқача айтганда, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли — **сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир.** Ва шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтишдир. Худди шундай йўл билан бу инқирозни ечиш мумкин эди. Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзида ва унинг ташқарисидаги кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда.

Мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда Афғонистонда жойлашган, асосан АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб ном олган ҳарбий кучларини яқинда Афғонистон ҳудудидан чиқариш жараёнининг бошланиши кутилмоқда. Бу Афғонистонда янги қарама-қаршиликнинг авж олишига, турли миллат ва элатлар ўртасидаги зиддият ва тортишувларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат Афғонистон атрофидаги мамлакатлар ҳудудида ҳам кескинлик ва катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ, деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига **аралашмаслик,** Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда **қатнашмаслик,** Афғонистон билан **алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.**

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган.

Айни шундай сиёсатни олиб боришни:

- кимнингдир «ўйин»ларига қўшилмаслик;
- қўшниларимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Президентимиз бундай сиёсат ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда барчамизга куч-қувват бағишлайдиган омил ва мезонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, **буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда.**

Албатта, **тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.**

Иккинчидан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва **офат келишини узоқдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур.**

Учинчидан, **кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим,** деди давлатимиз раҳбари.

Бугун эл-юртимиз ўз тарихида бошидан кечирган мисли кўрилмаган синов ва суронли кунларни яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, ишончимиз комил — **Ўзбекистонимиз ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бош эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайди.**

Менинг истагим: ана шу гўзал ва бетакрор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бахтли бўлсин, ҳар қайси оилага тинчлик-хотиржамлик, файзу барака доим ёр бўлсин, деди пировардида Ислом Каримов.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

ЎзА.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

АКЦИЯЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилиб, юртимизнинг барча гўшаларида уларни эъзозловчи тадбирлар ташкил этилмоқда.

Нуронийлар эъзозда

Мазкур йўналишлардаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси ўтказилмоқда. Акция доирасида 5 минг нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Эътиборли жиҳати, байрам арафасида жаҳон стандартлари асосида капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган бир қатор санаторийларнинг илк дам олувчилари ҳам уруш фахрийлари бўлдилар. Хусусан, катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг, янгича қиёфа касб этган «Косонсой» санаторийсига вилоятда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари учун бепул йўлланмалар ажратилди. Фахрийларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳамшира бириктирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Касаба уюшмалари — фахрийларга

Юртбошимизнинг 2013 йил 25 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга ҳамда мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кунининг нишонланишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси ташкил этилди.

Ушбу акция доирасида эл-юрт тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун курашган, Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг осойишталигини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Деярли барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи ишчи-ходимлар, талаба-ёшлар иштирокида юрт озодлиги ва шон-шуҳрати йўлида жонини фидо қилган юртдошларимизни хотирлаб, маънавий-маданий тадбирлар, маърифий-бадиий кечалар, «Хотира чироғи ўчмайди» мавзусида «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат фахрийлари ўртасида Хотира турнирлари ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирга 6 нафар уруш қатнашчиси, 33 нафар соҳа фахрийлари таклиф этилди. Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т.Худайбергенов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева табаррук инсонларни қизғин қутлади.

Қадр нишонаси

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 10-may № 57-58 (3251)

Нуронийлар эъзозда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Сиҳатгоҳда янгидан барпо этилган маъданли сув галереяси, амфитеатр, фито мажмуа, капитал таъмирдан чиқарилган даволаш мажмуи ва физиотерапия бўлимида қўли енгил малакали шифокорлар отахону онахонларга беминнат хизмат кўрсатмоқдалар. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, сиҳатгоҳнинг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши натижасида дам олувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги бир неча баробарга ортди.

Бухоро вилоятидаги ошхона, даволаш ва ётоқхона бинолари капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсининг тантанали очилишида ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари энг азиз меҳмон бўлдилар. Мазкур сиҳатгоҳда «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида 10 нафардан ортиқ уруш фахрийларини бепул йўлланма асосида дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ватанимиз истиқболи, турмушимиз ободлиги йўлида меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнат фахрийлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Касаба уюшмалари томонидан мана шундай фидойи инсонлар хонадонларига ташрифлар уюштирилиб, совға-саломлар топширилди.

Касаба уюшма фаоллари ташкилотчилигида уруш ва меҳнат фахрийларининг буюк алломалар қадамжоларига, диёримиздаги тарихий шаҳарларга ва мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳатларини уюштириш ишлари давом этмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Касаба уюшмалари — фахрийларга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Уруш қатнашчилари бўлган 739 нафар фахрийнинг муборак қадамжоларга, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига зиёрати уюштирилди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 12 млн. 592 минг сўм йўналтирилди.

Акция доирасида ўтказилган «Хотира — абадий, жасорат — мангу!» тадбирига кўра, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига Федерация Кенгаши томонидан манзилли ёрдам кўрсатилди.

1176 нафар меҳнат фахрийси, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар)га совғалар топширилди, 220 нафар фахрийнинг концерт дастурларига ташрифи ташкил этилди.

Шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасига 1 млн. сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами берилди.

«Саховат», «Мурувват» уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ҳамда ёлғиз инсонлар маънавий ва моддий қўллаб-қувватланди.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси

Қадр нишонаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистон аҳолиси қарийб 6,5 миллионни ташкил этгани ҳолда, шундан 1,5 миллиони жанггоҳларга сафарбар этилди. Демак, вояга этган эр йигит борки, қўлига қурол олиб, урушга йўл олди. Суронли жангларда 500 мингга яқин юртдошимиз қирғинбарот жангларда жонини фидо қилди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар ҳалок бўлганлар номи абадийлаштирилиб, омон қолганлар юксак қадрланиб, уларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани хусусида тўлқинланиб гапиришди.

Фахрийларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг пул мукофотлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Эл севган санъаткорлар иштирокидаги дастур байрам шукуҳини янада оширди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари муайян ишларни амалга оширдилар.

Эҳтиром кўрсатилди

Ховос узели темирйўлчи фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда «Нуроний» кенгаши ҳисобида турган уруш қатнашчиларига тенглаштирилган ёлғиз ва кекса меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Марказий кенгаш ҳисобидан бир миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси корхоналари, ташкилот ва муассасаларида ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг 148 нафарига моддий ёрдам, 287 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари, 50 нафарига қимматбаҳо совғалар топширилди. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун касаба уюшма ҳисобидан 21.8 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Қўнғирот узеллари корхоналарида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, мини футбол, волейбол, кросс ва футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Шунингдек, темир йўл транспорти ривожи ва равнақига самарали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган хоразмлик А. Иванов, қаршилик А.Тўйчиевлар хотирасига бағишлаб футбол, самбо ва дзюдо бўйича турнир ўтказилди.

Қўнғирот минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси, «Қуюв-механика заводи» раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 100 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг буюк аждодлар қадамжоларига зиёратлари уюштирилди.

Марказий кенгаш тасарруфидаги касаба уюшма кутубхонасида Миробод туманидаги 83-умумтаълим мактабининг 5-6-синф ўқувчилари билан уруш ва меҳнат фахрийлари учрашуви ташкил этилди. Учрашув қатнашчиларида Украина миллий маданият маркази қошида ташкил этилган «Лаванда» фолклор ансамблининг концерт дастури катта таассурот қолдирди.

Касаба уюшма ташкилотлари вакиллари Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг фаровон ҳаётини мардона ҳимоя этиб, ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйишди.

Абдуманноп ҒУЛОМОВ,
тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири

ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАР

Хатирчи туман ҳокимлигида уюштирилган кўргазмали ўқув-семинарини, шубҳасиз, касаба уюшмалари тизимидаги янгиланишлар меваси, дея оламиз.

Янгича ёндашув

Тадбирда касаба уюшмалари шаҳар ва туманлар кенгашлари, тармоқ ташкилотлари етакчилари иштирок этишди. Улар икки гуруҳга бўлинган ҳолда «Хатирчи пахта тозалаш» АЖ ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич ташкилотлари базасидаги намунали иш услублари билан яқиндан танишдилар.

Машғулот аввалида касаба уюшмалари тизимида туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор масалалари атрофлича таҳлил қилинди. Мавзу юзасидан касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Р.Самарбековнинг маърузаси тингланди. Тадбир асноси соҳадаги туб ислоҳотлар, олға сурилаётган вазифаларга баҳо берилди.

Танқидий руҳда кечган ўқув-семинар савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлди.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан фаолиятни намунали ташкил қилишга бағишланган ўқув-амалий семинар уюштирилди. Унда шаҳар, туман касаба уюшма кенгашлари, йирик корхона ва ташкилотлар касабақўм раислари иштирок этишди.

Вазифалар долзарб, масъулият катта

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан намунали туман сифатида танлаб олинган Боғот туманида 126 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд. Табиийки, уларнинг ҳар бири соҳасига кўра ўзига хос ёндашувни тақазо этади. Иштирокчилар бу ҳақда муайян тасаввурга эга бўлиш учун қатор бошланғич ташкилотлар иши билан танишдилар.

«Боғот текстил» корхонаси воҳа саноатида ўзига хос ўринга эга.

— Енгил саноат тизими мураккаб соҳа, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Зулфия Пираддинова. —Тармоқда аёллар ва ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларга муносиб иш ва дам олиш шароити яратилмоқда. Ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 9 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Барча ишчилар жамоа шартномаси орқали қўшимча таътил олиш имкониятига эга. Бепул иш кийимлари, иссиқ овқат, сут-қатиқ маҳсулотлари берилади, транспорт ажратилган. Дори-дармонлар бепул олиб берилади. Ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили 32 нафар коллеж битирувчисини сафимизга қабул қилдик.

Иштирокчилар бошланғич касаба уюшма қўмитаси хонаси жиҳозланишини юқори баҳолаб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан ўз тавсияларини бердилар. Тумандаги 7-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишув ҳам қизиқарли кечди.

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши тасарруфида 78 та бошланғич ташкилот мавжуд, — дейди туман кенгаши раиси Ширин Юсупова. — 2009 йилдан буён «Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» танлови ўтказиб келинмоқда. Бошланғич ташкилотлар ишини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор фаолиятимизни янада яхшилашга ундади. Эндиликда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш жадвали асосида ҳар бир раёсат аъзосига муайян ташкилотлар биркитилди. Ўтган даврда 29 та ташкилот хона билан таъминланди, 49 тасида касаба уюшма бурчаклари ташкил этилди. Барча ташкилотлар паспортлари юритилиши йўлга қўйилди.

***

Шундан сўнг, иштирокчилар Боғот енгил саноат касб-ҳунар коллежи мажлислар залига йиғилишди. Семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бекчанбой Матёқубов олиб борди.

Тадбирда касаба уюшмалари Федерацияси маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири Лола Холмўминова сўзга чиқиб, эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар, галдаги долзарб вазифалар хусусида тўхталди. Таъкидландики, кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида меҳнаткашлар ҳимояси кучайтирилди. Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳар бир аъзо ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинди. Жамоа шартномаларига аъзолар манфаатини ифода этувчи қатор бандлар киритилди.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини тартибга солиш борасида қилиниши керак бўлган вазифалар ҳам талайгина. Жумладан, маънавий-маърифий тадбирлар сифатини яхшилаш, спорт мусобақалари уюштириш, аъзоларни соғломлаштириш юзасидан касаба уюшма тизимидаги янгиликларни амалга кенг тадбиқ қилишни кучайтириш лозимлигига урғу берилди. Бу борада бошланғич ташкилотлар етакчилари зиммасидаги масъулият катта. Етакчи ҳар томонлама билимли, интилувчан, ташкилотчи, нотиқ, зиёли инсон бўлиши шарт.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари сўзга чиқиб, йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан тушунчалар беришди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Самарали фаолият сари

Жомбой туман ҳокимлигида ўтказилган бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятларини намунали ташкил этиш масаласига бағишланган амалий ўқув-семинар касаба уюшмалари ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.Унда тармоқ касаба уюшмалари туман кенгашлари раҳбарлари, бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди.

Иштирокчилар «Жомбой дон» АЖ ҳамда тумандаги 56-ихтисослашган мактаб-интернат бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шу ўринда «Жомбой дон» АЖ маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти амалга ошириб келаётган хайрли ишларга тўхталсак. Корхона вилоятнинг чекка тумани Қўшробот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини амалиётга жалб этган. Ўқувчилар масофа олис бўлишига қарамай, амалиётни ана шу корхонада ўтказишади. Муҳими, уларга шинам ётоқхона, иссиқ овқат ташкил этилади. Ҳаттоки уйларига бориб келиши учун автотранспорт воситалари билан таъминланади.

20 нафар битирувчига иш ўрни ҳозирланиб, 10 нафар иқтидорли, аълочи ўқувчига стипендиялар тайинланган. Корхонада меҳнат қилаётган 4 та ёш оилани намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жой билан таъминлаш, дастлабки бадалларни тўлаб бериш чоралари кўрилаяпти.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, жорий йилда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхонани модернизация қилиш эвазига 24 та, касаначилик асосида 10 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Қисқаси, ушбу йўналишда вазифа қилиб белгиланган, жамоа шартномасида акс этган ўн учдан ортиқ тадбирлар ижросини таъминлашда қатъият кўрсатиб келинмоқда.

Ўқув-семинар иштирокчилари корхона касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишиб, бу ерда тўпланган тажрибага эътибор қаратишди.

Юзма-юз мулоқотда ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков, Жомбой туман ҳокими Олим Очилов ва бошқалар тизимда олиб борилаётган такомиллашув ишларининг мазмун-моҳияти, мақсади ва олдинда турган устувор вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Бирлашма кенгаши бўлим мудирлари ва мутахассислари томонидан меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратининг аҳамияти, ташкилий, маданий-оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот, соғломлаштириш каби долзарб вазифаларни ташкил этиш юзасидан зарур тавсия ва маълумотлар берилди. Анжуман иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Буни улар сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин.

Раҳмат Зулпонов, «Самарқанд электр тармоқлари» АЖ бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси:

— Тизимдаги такомиллашув бошланғич ташкилотлар имкониятини оширди. ЎзКУФК томонидан белгилаб олинган устувор йўналишлар ижросига масъул эканлигимизни чуқур англадик. Бу янгиликларни меҳнат жамоасида ишлаётган ходимларга етказамиз. Айниқса, соғломлаштиришни рағбатлантириш, дам олиш ва соғликни тиклаш борасидаги ўзгаришлар барчага манзур бўлмоқда.

Сафарали Азизов, «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси:

— Ташкилотимиз таркибига кирувчи корхоналарда 4,5 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаши, дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган. Нафақат касаба уюшмалари, балки иш берувчилар маблағи ҳисобидан ҳам ходимлар дам олишини ташкил этганмиз. Ишчиларимиз ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида семинарда янада тўлиқ маълумот олдим.

Хуллас, амалий семинар иштирокчилар томонидан амалиётда қўллаш учун бир манба бўлди, дея эътироф этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Жиззах вилоятида ёзги соғломлаштириш мавсумида 9225 нафар болани шаҳар ташқарисидаги 14 та, мактаблар қошидаги 53 та оромгоҳ ўз бағрига олади.

Ҳамжиҳатлик

Болажонларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокими ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қўшма қарори қабул қилиниб, вилоят мувофиқлаштирувчи гуруҳи аъзолари шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда мавсумни ташкиллаштиришга масъул этиб бириктирилди. Тадбирлар режаси тузилиб, штаб ва ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди. Тегишли ташкилот, корхона ва идоралар раҳбарлари олдига аниқ вазифалар қўйилди, ижроси назоратга олинди.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш оромгоҳларнинг мавсумга тайёрлигига бағишланди. Унда вилоят КУТБК раиси Н. Пардаевнинг ахбороти тингланди. Вилоят ҳокими С.Исмаилов томонидан оромгоҳларга бириктирилган ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари олдида турган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Эътироф этилганидек, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилган. Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси Жиззах филиалига қарашли «Алоқачи», «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси ҳудудий мувофиқлаштириш бошқармасига қарашли «Зангори олов», вилоят халқ таълими тасарруфидаги «Лочин», Фориш туманидаги «Аҳмад ота-Файз» хусусий корхонасига қарашли «Матлуботчи», вилоят ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги Ё.Норбеков номли болалар оромгоҳларида таъмирлаш ишлари ниҳояланмоқда. Жиззах туманидаги Ш.Рашидов номли оромгоҳда реконструкциялаш ишлари поёнига етаяпти.

— Ҳозирда мутасаддилар оромгоҳларни етарлича малака ва тажрибага эга бўлган тарбиячи, етакчи, тиббиёт ва бошқа ходимлар билан таъминлаш бўйича рўйхатларни шакллантириш, дори-дармон ҳамда сифатли озиқ-овқат захирасини яратиш юзасидан фаолият олиб боришаяпти, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси Фарҳод Аҳмедов.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги соҳил бўйлаб Лойиҳавий йўлида кўприк (18 пм) қурилиши». (мўлжал: «Фарғона ёғ-мой комбинати»).
Муддати — **20.08.2013 йил.**
Бошланғич нархи — **352 406 556 сўм ҚҚС билан; 293 672 130 сўм ҚҚС сиз.**
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37, тел: (8 595) 400-52-80, 224-24-33 (факс).
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
Кўприкларни қуриш ва реконструкция ишлари учун махсус **лицензияга** эга бўлиши шарт.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71. Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри,Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.
Хизматлар лецензияланган

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Юксалиш кўчасидаги 1-оилавий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш».
Муддати — **20.08.2013 йил.**
Бошланғич нархи — **1 334 611 200 сўм ҚҚС билан; 1 112 176 000 сўм ҚҚС сиз.**
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37, тел: (373) 400-52-80.
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет ва Фарғона вилояти ХЭТК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота — 100%.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 224-18-71.
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри,Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.
Хизматлар лецензияланган

ЎҚУВ-ТРЕНИНГ

Қашқадарё вилоятидаги барча туманларда касаба уюшма фаоллари учун ўқув-тренинг машғулотлари бўлиб ўтди. 3500 нафардан ортиқ касаба уюшма етакчиси иштирок этган семинарлар якуни хусусида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Исмат Очилов қуйидагиларни гапириб берди:

Қизғин мулоқот

— Ҳудудларда ўтган семинарда тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, бошланғичлар етакчиларига ташкилий тузилмалардаги такомиллаштириш ишлари ҳақида батафсил тушунтирилди. Шу муносабат билан қабул қилинган қарорлар моҳиятига эътибор қаратилди. Янги ўзгартишлар билан бойиган Низом ва меъёрий ҳужжатларга шарҳ берилди.

Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари сўзга чиқиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг вазифаларига, жумладан, жорий йил учун белгилаб олинган устувор йўналишлар, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш каби масалаларга тўхталиб ўтдилар. Ўқув-тренинг қатнашчилари молиявий масалаларда амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя этиш, аъзолик бадаллари тушуми тўлиқлигини таъминлаш, молиявий интизомга амал қилиш бўйича тавсиялар олдилар. Ягона ижтимоий тўловлардан ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун йўналтириладиган маблағнинг сарфланиши бўйича ҳам зарур кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида тузилган минтақавий келишувнинг бажарилиши, ижтимоий шериклик-нинг истиқболлари ва бошланғичлар олдидаги вазифаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Семинарлар қизғин савол-жавоблар руҳида ўтиб, Чироқчи, Ғузор, Китоб, Касби, Қарши туманларида иштирокчилардан 80 га яқин саволлар тушгани қайд этилди.

Акмал АБДИЕВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов мавзуси: **«Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».**

- Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;
- мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;
- ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларининг ободонлаштириш борасидаги ишларнинг кўламини янада кенгайтириш;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг *www.fundngo.uz* сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианти *funduz@parliament.gov.uz; fundnno@parliament.gov.uz* электрон манзилига;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июн соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ангрен шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг собиқ раиси **Тоғай ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат медицина институти томонидан Ҳикматова Муслима Исматовна номига 1983 йилда берилган ИВ-1 298591 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch
2013-yil 10-may № 57-58 (3251)

Инсон хотираси — боқий,

Саид ота Барноев. Ғиждувон тумани марказидаги Шодлик кўчасида яшовчи 91 баҳорни қаршилаган бу инсонни кўпчилик яхши танийди ва қадрлайди. Бу эъзоз бежизга эмас, албатта. У киши 19 ёшида қўлига қурол олиб, фронтга жўнади. Жангларда ўзбек йигитларига хос жасорат кўрсатди. Урушдан она юртига соғ-омон қайтгач, қишлоғида ҳалол меҳнат қилиб, юрт фаровонлигига ҳисса қўшди.

Уч авлод учрашуви

Куни кеча Саид отани бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари қатори Ғиждувон тиббиёт коллежига таклиф этишди. Бу ерда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Тарихий хотира — келажак пойдевори» мавзуида уч авлод учрашуви ўтказилди.

Тадбирда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси Юсуф Қурбонов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзуида маъруза қилиб, фронт ортида халқимиз бошига тушган оғир мусибатлар, минглаб навқирон, мард ва жасур юртдошларимизнинг жангларда ҳалок бўлганликларини тилга олди.

Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг тинчликни мустаҳкамлаш, халқ бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ғамхўрликлари тўғрисида батафсил тўхталди.

— Даҳшатли урушнинг гувоҳиман, — дея гап бошлади «Чорсу» маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Исмат ота Жафаров. — Оиламиздан 3 акаука фронтга жўнаган эдик. Беомон жанглардан фақат менга уйимга қайтиш насиб этди. Тинчлик — буюк неъмат. Унинг қадрига етиб, барқарорлигини таъминлашга ҳиссамизни қўшайлик, осуда ҳаёт учун шукроналар қилайлик...

Шундан сўнг ўрта ва кенжа авлод вакилларидан — мазкур коллеж ўқитувчиси Ботир Файзуллаев ва ўқувчи Кибриё Қўзиева сўзга чиқиб, Ватан равнақи ва истиқболи учун хизмат қилиш шараф эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари топширилди. Ҳаваскорлик жамоалари вакилларининг Ватан, тинчлик, дўстлик, қардошликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлари, ўзбек, рус, инглиз, туркман, тожик тилларида айтилган шеърлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар ташкил этишни анъанага айлантирганмиз. Шундай фахрийлардан Даврон ота Раҳмонов ҳамда Ҳакима Бекмурзина кўп йиллар корхонамизда самарали меҳнат қилишган.

Таъзим

— Бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етиш керак. Тинч ва мусаффо осмонимиз, гуллаб-яшнаётган юртимизга кўз тегмасин. Президентимиз доимо омон бўлсин, — деди Даврон ота ёшлар билан учрашув чоғида.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан уруш фахрийлари, байналмилал жангчилар ва Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, байрам муносабати билан кон ва мажмуаларда мини футбол ва волейбол бўйича спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Корхонамизда меҳнат қилаётган 483 нафар хотин-қизнинг мазмунли дам олиши учун Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳати ташкил этилди.

Ғайрат ҲАМРОЕВ,
«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси йўриқчиси

Манзилли ёрдам

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар топширилди.

— Уруш фахрийларининг ҳолидан хабар олиш касаба уюшма ташкилотларининг доимий эътиборида, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Қ.Ризаев. — Шу боис «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимидан 353 нафар уруш фахрийсининг рўйхати аниқланиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, бугунги дориломон кунлар қадрига етиш ва ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат уйғотиш мақсадида уруш фахрийлари билан учрашувлар ўтказилди.

Машъум, уруш бошланган паллада Абдумажид ҳали 15 ёшли ўспирин бўлиб, ҳамқишлоқларининг фронтга жўнаб кетиш манзараларини яхши эслайди. Оналар, ёш келинчаклар, болаларнинг дод-фарёдларини ўспирин ўз кўзи билан кўрган. Буниси ҳали ҳолва экан. Қишлоққа ёғилган қорахатлар ёмғири барчани карахт қилиб қўйди. Кечмиш воқеалардан урушнинг нима эканлигини англаб етган ёш йигит қалбида баттол душманга нисбатан кучли нафрат уйғонди.

Дуолар ижобат бўлсин



— Ўшанда 7-синфни битириб, бир йиллик бухгалтерия курсида таълим олгач, 1944 йилнинг баҳорида кўплар қатори фронтга йўл олдим, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси А.Мирзаев. — Дастлаб Пенза вилоятидаги захира полкида тайёргарликни ўтадик. Кейинчалик, бизни иккинчи Украина фронти 571-ўқчи баталонига ташлашди. Ғалабани Кенинсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрида нишонладик. Энди уруш тугади, она-юртимизга қайтамиз, деб ўйлаб турганимизда олис Манжурияга юборишди.

Шарқий фронтдаги жанглар узоққа чўзилмади. Олти йиллик айриликдан сўнг қадрдонлари бағрига қайтган йигит тинч-осуда ҳаётнинг нақадар олий неъмат эканлигини тушуниб етди.

— Урушнинг номи ўчсин, болам, — дейди Абдумажид ота. — Ўша пайтлари фронтдагиларга ҳам, фронт ортидагиларга ҳам жуда қийин бўлган. Мана, еттинчи синфни битирган кунимиз тушган суратимиз. Ҳозир яхшилаб қарасам, ҳамма синфдошлар ялангоёқ расмга тушган эканмиз. Қийинчилик даврлар эди. Қорнимиз ошга, устимиз кийимга ёлчимаган. Ҳатто фронтдан қайтиб, армияда хизматни давом эттирган пайтларимизда ҳам қорнимиз нонга тўймаган. Ҳозир телевизорда ёш ҳарбийларни кўрсатиб қолишади. Уларга яратилган шароитларни кўриб, тўғриси, ҳавасим ортади. Мустақил юртимиз армияси сафларида хизмат қилаётган набира ва чевараларимга бугунги кун қадрига етиб, чин дилдан хизмат қилишларини қайта-қайта уқтираман.

Сўлим Баликчи туманининг Қияли маҳалласида истиқомат қилаётган Абдумажид бобо бу йил 88 баҳорни қаршилади. Олти нафар фарзандни вояга етказган отахон 23 набира ва 49 чеваранинг севимли бобоси. Қўллари доимо дуода. Эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик тилашдан чарчамайди.

— Биз уруш фахрийларини доимо эъзозлаб келаётган, қадримизга етиб, байрамларда йўқлаётган Юртбошимизга ташаккур билдириб, умрлари зиёда бўлишини тилаймиз! — дейди қўлини дуога очиб отахон.

Илоҳим, дуолар ижобат бўлаверсин!

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири
Абдуносир КЎЧҚОРОВ олган сурат

Айрим инсонлар ҳаётлик пайтларида ўзгаларга фақат яхшилик қилишга ҳаракат қиладилар ва улардан яхши ном қолади. Шундай инсонлардан бири узоқ йиллар касаба уюшма ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган Зойиржон ака Қодиров эди.

Ажойиб инсон эди

Ҳар сафар Зойиржон аканинг қабулига киганимда у қандайдир ҳужжат устида ишлаб ўтирган бўларди. Бир куни Федерация Кенгашининг навбатдаги мажлисидан сўнг Зойиржон ака ва бир қатор масъул ходимлар билан йиғилиш қарори лойиҳаси устида мук тушиб ўтирардик. Бир пайт Зойиржон ака табассум билан:

— Ишга берилиб кетиб, тушликни эсдан чиқариб қўймайлик, — деб кафтларини бир-бирига ишқалади.

Ногаҳон унинг қабарган қўлига кўзим тушди. У эса одатдагидек самимий оҳангда:

— Шанба, якшанба кунлари уйда қаттиқ ишлагандим, — дея изоҳ берди.

Ҳақиқатан ҳам раҳматлик Зойиржон ака ҳеч қандай меҳнатдан қочмас, ўзини катта олишни билмасди.

Назаримда, бу унинг меҳнат фаолиятини 2-пойабзал фабрикасида оддий ишчиликдан бошлаганидан бўлса керак. Кейин Зойиржон ака 1969-1971 йиллар давомида ҳарбий хизматда бўлди. 1972-1978 йилларда «Билим» жамияти Тошкент вилоят ташкилотида референт лавозимида ишлади. 1979 йилдан унинг фаолияти республика касаба уюшмалари билан чамбарчас равишда кечди. 1993 йилдан у ЎзКУФК раиси муовини лавозимида самарали фаолият кўрсатди.

Яна унинг кўпчиликка ёқадиган хислати шунда эди-ки, у ҳеч қачон ўзини бошқалардан устун қўймасди ва ҳар бир кишининг фикрини обдон тингларди.

Масалаларда, аввало, бизнинг фикримиз билан қизиқарди. Ва обдон тинглагач, ўз мулоҳазаларини билдирарди. Қарангки, уларнинг барчаси жўяли ва ўринли бўларди.

***

Зойиржон ака чиндан-да беназир инсон эди. Ёдимда, «Ishonch» газетасидаги бир журналист дўстимиз уй-жой масаласида қийналиб қолгани тўғрисида сўз очиб, ёрдам беришимизни илтимос қилганди. У пайтда Зойиржон ака Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси лавозимида ишларди. Вазиятдан хабар топгач, дарҳол Ўзбекистон миллий университетининг оилавий ётоқхонасидан хона ажратилишида кўмаклашди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Архив

Суратда: Зойиржон Қодиров бир гуруҳ журналистлар даврасида.

Тоғлар бир-бирига суяниб юксалади. Ёшлар нуронийларнинг доно ўгитларини тинглаб ҳаётнинг пасту баландларини танийди. Бу пурҳикмат сўзларни энг аввал азиз устозим раҳматли Файзулла Иноятовдан эшитганман. Уни хотирлаш мақсадида фариштали хонадонига қадам қўяр эканман, хаёлимда яна шу сўзлар айланади.

Яхшидан

ёхуд шофирконлик кекса педагог Файзулла

Ўтган йили Хотира ва қадрлаш куни баҳона муаллимимизни йўқлаб борганимизда у киши оқ яктакда, қўлида кетмон билан томорқасидан истиқболимизга пешвоз чиққан эди. Ўшанда бизни кўриб, қувониб кетганди.

— Бугун нега тонг бошқачароқ отди десам, шогирдларим йўқлаб келаётган экан-да, — деганди у барглари келинчакдек эгилган мажнунтол остида ўрнатилган сўрига бизни таклиф қиларкан ўзича сўз ўйини қилиб. — Узоқдан чарчаб келгансизлар. Ота-боболаримиз тол — чарчоққа энг яхши даво, дейишган. Ўзим синаб кўрганман, тол инсонга руҳий қувват беради. Қон босими дейсизми, асаб касалликларими, барига унинг сояси шифо.

Бу йил эса уни хотирлаб келган биз шогирдларга тол остидаги салқинлик ором бераётгандек туюлди. Атрофимиздаги ҳар бир нарсада Файзулла муаллимнинг нигоҳи, тафти ўрнашиб қолгандек. Домланинг кичик ўғли Усмонжон таъзиямизни қабул қиларкан, нигоҳини ердан узмай сўйлайди:

— Отам бизга ҳеч қачон қаттиқ гапирмаган, сўкиб-уришишни билмасди. Меҳнати, ҳалоллиги ва элпарварлиги билан барчага ибрат эди. Унинг бирор марта дам олиб чўзилиб ётгани, касал бўлиб шифохонада даволанганини эслай олмайман. Ҳамиша ҳаракатда эди. Гўё у эзгулик учун дунёга келган-у ишини қизғаниб яшаганга ўхшайди. У кўзларидаги ёшни яшириш учун нигоҳини шода-шода бўлиб очилган гилос гулларига тикканича сўзида давом этади. — Отамиз бола тарбиясида жуда қаттиққўл бўлган. Кўзига қараб нима демоқчи бўлганини тушунардик. Агар биз фарзандлар томонидан бирор одобсизлик рўй берса, яхши сўз билан «сиз»лаб туриб, нақ жонимизни суғуриб олардилар. Ана шу «ширин» сўз бизга ургандан баттар таъсир қилар, айбимизни тўғрилаш учун шунинг ўзи етарли эди.

«Йўлнинг тафтини қайноқ кўк чой босади», дея муаллимнинг келини қўлимизга пиёла тутқазади. Ўғли чойни иссиқлигича ичишга ундайди. Унинг ҳар сўзи устознинг ёдимиздан чиқаёзган сабоқларини эслатаётгандек, хаёлимизни болаликнинг чанг кўчалари томон бошлайди. Болтақора ариғининг устига ўрнатилган ана шу кичкина сўрига бир пайтлар қишлоғимизнинг барча болалари сиғарди. Муаллим ўрик билан бизни меҳмон қилар, хонадондаги юздан ортиқ дарахтнинг илк меваси ҳам қишлоқ болаларига улашиларди. Ёзги таътилда ариқда мириқиб чўмилиб, сўнг муаллим улашган мевалардан тановул қилардик. Биз-ку боламиз, ҳатто, далада ишлаётган ишчи-ю ҳашарчилар ҳам улардан баҳраманд бўлар, муаллимнинг сўрисида бемалол ўтириб ҳордиқ чиқаришарди. Гўё бу хонадоннинг мевалари узган билан тугамас, еган билан озаймасди. Яна муаллимнинг отаси Махсум бобо элдан ортган мевани бозорга олиб чиқиб сотиб келарди.

Махсум бобонинг катта тутзори бор эди. Тут ниҳоллари орасида бобо бошқа мевали дарахтларни ҳам парваришларди. Тутзорнинг ўртасида катта тош қудуқ бўлиб, атрофида турфа гуллар очилиб турарди.

Муаллимнинг катта қизи Моҳира билан синфдош бўлганим учун уларнинг ичкари ҳовлисига ҳам бемалол кириб боравердим. Айниқса, ҳовли эрта баҳорда чаманзорга айланар, ўрикнинг нимпушти, олча-ю гилоснинг оппоқ, шафтолининг қизғиш гуллари билан уйғунлашиб, ажиб манзара касб этарди. Ариқ бўйларида толдан бошимизга сочпопук тақиб олардик. Томорқа атрофида қатор қилиб ўтқазилган жийдалар гуллаганда қишлоғимиз гўё жаннат ифорига тўлиб кетарди. Муаллимнинг қизи зийрак, сариштали ва билимдон эди. Менга нотаниш дарахтлар, гуллар ҳақида гапириб беришдан эринмасди. Атиргул ифорини, лимон гулининг нозик ҳиди, ҳозир ҳам номларини чалкаштириб юборадиган хориждан келтирилган турфа гулларни шу хонадонда илк бор кўрганман.

Муаллимнинг укаси Раҳматилла ака Бухоронинг катта ҳофизларидан эди. Дам олиш кунларию байрамларда шаҳардан машҳур хонандаларни қишлоққа олиб келар, тонготаргача маърифий суҳбатлар куй ва қўшиққа уланиб, айниқса, биз ёшлар руҳий ва маънавий қувват олардик.

Файзулла муаллим 40 йилга яқин ҳозирги Саъдулла Назаров номидаги мактабда ўқувчиларга биология ва меҳнат таълими, турмуш ўртоғи Ҳабиба Темирова 30 йил математика фанидан сабоқ беришди. Бири ёшларга мантиқни, иккинчиси ер илмини, деҳқончиликни ўргатди.

Домланинг севимли машғулоти — китоб ўқиш эди. Томорқада ишлаш эса жони дили. Кетмонни саломатлик ва фаровонлик рамзи деб билса, китобни илм-тафаккур уммони сифатида қадрларди. Ҳаётий тажрибаси ва китоблардан ўқиб-уққанларини жамлаб, ўзи ҳам китоблар чоп эттирди.

Ўрганганларини у дастлаб, жамиятнинг кичик бўлаги бўлган ўз оиласида қўллади: ерга меҳр қўйди, турмуш фаровонлиги ортди. Эшигидан бир сигиру ўн қўйни узмади, ойлик маошига барака кирди.

Ерга меҳр қўйгани сайин кайфияти ҳам яхшиланиб борди. Қишлоқда биринчи бўлиб хонадонида иссиқхона қурди. Кейинчалик мактабда юқори синф ўқувчилари кўмагида қишки тажриба участкаси сифатида иссиқхона ташкил қилди. Бу ерда турфа гуллар қатори лимон, помидор, бодринг, булғор қалампири, турли кўкатлар етиштириларди. Ўқувчилар биология ва меҳнат таълими дарсларини қишда иссиқхонада, ёзда мактаб ер участкасида ўтказишарди.

Ўшанда биз ҳали бошланғичда ўқирдик. Юқори синф ўқувчилари Файзулла муаллим кўмагида дарахтларни пайванд қилишарди. Тажриба участкасидаги ҳар бир дарахтда камида ўнтадан пайвандланган шохча бўларди. Улардаги кичик тахтача-ёрлиқда пайванд ким томонидан амалга оширилгани, ўқувчининг исм-фамилияси, ўқиётган синфи ёзиб қўйиларди. Йўлакка яқин жойдаги

Қадр-қиммати — улуғ

Инсон умри оқар сув мисоли ўтади-кетади. Фақат яхши амалларгина ундан нурли хотира бўлиб қолади. Эзгу ишларнинг аввалида эса юрт учун қилинган фидойилик, халқ дуосини олиш учун рўёбга чиққан ҳаракатлар ётади. Бизнинг омон-омон кунлар учун умрини бахшида этган аждодларимиз эса ҳаётини шундайин яхшилик билан безашган. Миннатдорлик ва фахр туйғуси билан яшаётган бугунги авлод ҳар кунни қадрлаш айёми билиб, уларни эъзозлашга интилиши миллий одатларимиздан. Бундай гўзал анъаналар айни кунларда кўпроқ бўй кўрсатмоқда.

Қутлуғ айём шарофати

Наманган вилоятида ҳам хотирлаш, қадрлаш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳудудда истиқомат қилаётган 290 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийсига манзилли ёрдам кўрсатилиб, уларнинг кўнгиллари обод қилинди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши «Хотира — муқаддас» номли тадбир ташкил этиб, 40 нафар ногиронга қувонч улашилди. Тадбир давомида кенгаш томонидан 4 нафар юртдошимизга пул мукофотлари тарқатилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Чортоқ туман кенгаши эса байрам арафасида тизимда узоқ йиллар меҳнат қилиб, вафот этиб кетган ҳамкасблар хотирасига бағишлаб турнир ташкил этди. «Ойқирон» маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган мазкур тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова, туман ҳокими ўринбосари С.Умарова иштирок этди.

— Бугун Муҳаммаджон Ғофуржонов, Ҳусниддин Дедабаев, Мамлакатхон Давлатова, Аҳмаджон Мамадалиев каби тумандошларимизни хотирлаяпмиз, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Раъно Мамажонова. — Уларнинг ҳар бири қисқа умр кўришганига қарамай, ўз соҳасининг етук билимдони, айни пайтда касаба уюшмасининг жонкуяр фаолларидан бўлишган.

Хотирлаш маросимидан сўнг, тадбир минифутбол мусобақасига уланиб кетди. Мусобақада бешта — «Микрокредитбанк» туман филиали, «Чортоқ деҳқон бозори» МЧЖ, «Чортоқ буюм бозори» ва «Савдо гузари» (биргаликда), «Ойқирон» ҳамда Чортоқ маиший КҲКлари жамоалари қизғин кураш олиб бориб, ишқибозлар олқишига сазовор бўлишди. Якунда ҳар бир қатнашчига касаба уюшмаси совғалари топширилди. Ғолиблар эса қимматбаҳо туҳфа ҳамда дипломлар билан тақдирланишди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири



Ибратли умр

Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада умргузаронлик қилаётган Шариф ота Қобилов Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги машаққатли йилларнинг аччиқ сабоғини ёшларга сўзлаб берар экан, бугунги тинч, осуда, фаровон ҳаётда яшашдек улуғ бахтнинг қадрига етиш кераклигини бот-бот таъкидлайди.

Урушдан сўнг Шариф ота узоқ йиллар иқтисодиёт соҳасида меҳнат қилган. Бугун эл хизматида бўлган фарзандларининг уч нафари шифокор, бири тадбиркор. Шариф отанинг файзли хонадони шу кунларда янада гавжумлашган. Хотира ва қадрлаш куни арафасида турли ташкилотлар вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар уни совға-саломлар билан йўқлаб, ибратли ҳаёт тажрибасига эга отахоннинг ўгитларидан баҳраманд бўлмоқда.

Суратда: Шариф ота Қобилов неваралари Эъзоза ва Жамшид билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА)
олган сурат

Нуронийларимизнинг ҳаёт тажрибаси ёшларга сабоқ бўлса, дуоларидан элга қут-барака ёғилади.

Мамнунлик

— Тизимимиздаги намунали туман — Қумқўрғонда яшовчи 16 нафар уруш қатнашчисига касаба уюшмалари томонидан ҳам байрам совғалари ҳозирланди, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. — Соғлиқни сақлаш, Таълим, фан ва маданият ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари туман кенгашлари вакиллари уруш фахрийларининг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришибди. Бундай саховат ва ҳимматни барча туманлардаги фаолларимиз доимий равишда амалга ошириб келишмоқда.

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб ўтказиш учун бирлашмада алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан манзилли ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ҳар бир бошланғич ташкилот фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, ҳалок бўлган жангчилар оилаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўнгилларни бут этиб

Самарқандда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, вилоят ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мудофаа бошқармаси, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Шундан сўнг, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган нуронийларга эҳтиром кўрсатилди.

Тадбир доирасида 70 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига реабилитация воситалари ва ногиронлар аравачалари, 25 нафар фахрийга эшитиш мосламалари, 100 нафар ногиронга ҳасса ва қўлтиқтаёқлар топширилди.

Вилоятда истиқомат қилувчи 513 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига Президентимиз Фармонига асосан пул мукофотлари, касаба уюшмаларининг махсус моддий кўмаги етказиб берилди. 150 нафар фахрий давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан рағбатлантирилди.

— Биз, кексалар давлатимиз ардоғида бўлиб келаяпмиз, — дейди каттақўрғонлик 95 ёшли уруш фахрийси Рашид ота Очилов. — Мана, икки йилдирки касаба уюшмалари ҳам хайрли ишларнинг фаол иштирокчисига айланди. Улар томонидан кўрсатилаётган эътибор кўнглимизни кўтариб юборди.

Тантаналар вилоятнинг ҳар бир гўшасига кўчди. Вилоятдаги Саховат уйига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан телевизор топширилди.

— Хонадонимиз шу кунларда янада гавжум ва серфайз бўлиб кетди, — дейди пастдарғомлик уруш фахрийси Шаҳбоз Ҳасанов. — Президентимизга раҳмат. Бизларга кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан бошимиз осмонга етди.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимизда Инсон қадри баланд, шаҳар-у қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этаётир. Истиқлол шарофати билан хотира ва қадрлаш тушунчалари ҳам асл маъно ва моҳияти билан ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бу не бахтки...

— Биз кўрган кунларни фарзандларимиз зинҳор кўрмасинлар, — дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Убайд ота Зубайдов. — Юртимиз тинчлиги, осойишталиги аслида бебаҳо неъмат эканини барчамиз ҳис қилишимиз керак. Ҳар тонг уйғониб, осмонимизнинг мусаффолиги-ю, обод юртдаги тўкинлик ва фаровонликдан Яратганга шукроналар айтаман. 6 нафар фарзандим ҳаётда ўз ўрнини топди. Ширин-шакар невара-чевараларим қуршовида кексалик гаштини сураяпман. Ҳозир 94 ёшдаман. Ёшлар билан учрашувларга таклиф этишади. Маҳалладаги йиғилишларда сўз беришади. Ёшларга қарата: «Тинчликни қадрланглар», дейман.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони юртимизда инсон шаъни қанчалар улуғлигининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бундай эътибор ва ардоқдан руҳимиз тоғдек кўтарилди. Юксак эҳтиром учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси,
Марғилон шаҳри

Шукрона

Навоий вилоятида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Хатирчи туманида уюштирилди. Фахрийлар Иккинчи жаҳон урушининг қалбларга солган битмас жароҳати ва бугунги обод турмуш нашидалари ҳақида ёшларга тўлқинланиб сўзлаб беришди.

— Уруш бошланганида энди ўн ёшга тўлгандим, — деди касаба уюшма фахрийси Раббим ота Қаҳҳоров. — Фронт ортидаги ҳаёт, урушдан кейинги қийинчиликларни кўриб улғайдик. Мана, осуда, тўкин-сочин кунларга ҳам етиб келдик. Илоҳим, фаровон турмушимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Тадбир сўнггида меҳнат фахрийларига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг совғалари ҳадя этилди.

Ўз мухбиримиз

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, шовотлик Самандар ота Ҳасановнинг ҳаёт йўли улкан ибрат мактабидир. Яқинда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши вакиллари отахоннинг уйига ташриф буюриб, бир пиёла чой атрофида қизғин суҳбат қурдилар.

Эзгу ғоя тарғиботчилари

— Сиз каби қаҳрамонлар борлиги учун бугунги дориломон кунларга етишдик, — деди кенгаш раиси Мақсуд Яқубов.

Бугун Хоразм вилоятида 274 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ушбу табаррук инсонларга алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда. Бирлашма ходимлари, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар раҳбарлари тез-тез фахрийлар ҳолидан хабар олишади. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу борадаги тадбирлар янада авж олди.

— Касаба уюшма ходимларининг хонадонимизга ташрифи мени жуда мамнун қилди, — дейди хивалик Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Отабой ота Жуманиёзов. — Биз қарияларга кўрсатилаётган бундай эътибор учун миннатдормиз. Ҳар доим фарзандларимга, невараларимга тинчликнинг қадрига етинглар, бу кунларга осон етмадик, деб такрорлайман. Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли невара-чевараларимиз билан бахтли, фаровон турмуш кечиряпмиз. Тинчликнинг олий неъмат эканлигини ёшларимиз ич-ичидан ҳис қилишлари лозим.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида вилоятдаги барча туман касаба уюшма кенгашлари томонидан кўплаб тадбирлар ташкил қилинди. Касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, корхона ва ташкилотларда уюштирилган учрашувларда уруш фахрийлари ўз хотиралари, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ёшлар эса уларнинг ҳикояларини тинглаб, бугунги кунлар қадрига етиш, тинчликни улуғлаш, Ватан учун яшашни шараф деб билишдек эзгу ғояларни қалбларига сингдирдилар. Қолаверса, марҳум уруш қатнашчилари хотирасига бағишлаб «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақалари ташкил қилинди. Жанг майдонларида ҳалок бўлган хоразмлик мард ўғлонлар номи яна бир карра ёд этилди, Хотира майдонларига ташриф буюрилди. Уруш фахрийларининг истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳати уюштирилди. Концерт дастурлари намойиш этилди.

— Акция доирасида ҳар бир Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига моддий ёрдам кўрсатдик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов. — Ушбу камтарона кўмагимиз орқали уларнинг қалбини хушнуд қилишга ҳаракат қилдик. Зеро, кўпни кўрган бу инсонларга ҳар қанча ташаккур билдирсак кам.

Ўз мухбиримиз

Боғ...

ота Иноятовнинг ёди

бир дарахт мени жуда ҳайратга солар, унга 33 та тахтача осилган бўлиб, битта дарахтда хилма-хил барглар яшнаб турарди. Катта танаффусда болалар ошхонага югурса, мен ана шу дарахтни томоша қилишга шошилардим...

Саида опамнинг айтишича, Файзулла муаллим институтни тугатиб, ишга келган йилларида Жилвон чўлида боғ барпо этиш ташаббуси билан чиққан. Унинг ташаббуси нафақат ёшлар, балки жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Ўшанда мактабимиз ўқувчилари қатори Салим, Бобохон, Баҳодир акам ҳам ташаббусга қўшилиб, дарсдан бўш вақтлари чўлда боғ яратишга киришишганди. Биз улғайгач, бу ташаббус туманимиз ёшлари ўртасида ҳам кенг қанот ёзди.

Яхшилик яхшиликдан қувват олганидек, муаллимнинг ташаббуси сабаб асрлар оша қақраб ётган чўл ўзлаштирилиб, «Мингчинор» болалар оромгоҳи ташкил этилди. Каналлар қазилиб, чўлга сув келди. Ихтисослаштирилган узумчилик хўжалиги ташкил этилиб, ишчилар шаҳарчаси бунёд этилди. Ҳозир ҳам бу ерда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига қарашли болаларнинг ёзги оромгоҳи жойлашган. Ҳар гал оромгоҳда бўлиб, болаларнинг шодон кулгиларига гувоҳ бўлар эканман, Файзулла муаллим билан чўлда барпо этган боғимиз ёдимга тушади.

— Бизнинг бор-будимиз ана шу томорқаю мол-ҳолнинг кетидан, — Усмонжоннинг сўзлари хаёлларимни тўзғитиб юборади. У биз Файзулла муаллимдан ўқувчилик йилларимиздаёқ эшитган ўгитларни такрорлайди. — Ер — бебаҳо неъмат. Уни тўйдирсанг, меҳрингни бериб ишласанг, бағрини очади. Еримиз олтин, минг афсуски, кўпчилик хазинанинг устида яшаётганини билмайди. Аллоҳ биз бандаларини суюб ризқимизни ерга сочиб қўйибди. Билсангиз, бу дунёда заҳмат чекмай бахтга эришиб бўлмайди. Бахтнинг калити — меҳнатда! — дердилар отам раҳматли.

У совиб қолган чойини ҳўплаб, сўзида давом этади:

— Даромадли иш қидириб шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезаётганларни жинлари суймасди. Бу ёқда болачақа, хотин-ҳалак, у ёқда ўзининг ётиб-туриши ҳаминқадар. На уйидагиларда ҳаловат бор, на ўзида. Томорқа бўлса қаровсиз, йилда бир арава жўхори ё олишади, ё йўқ. Ана шунақаларни кўриб, ерга ичим ачиб кетади. Булар ҳадеганда бировга қулоқ солса экан-да, дея ҳар гал жуда куйиниб гапирардилар.

Отам тўғри айтган эканлар, ҳамма ерда хўроз бир хил қичқиради. Қимирлаган жон борки, меҳнат қилиб ризқ топади. Мана оиламиздан мисол: отам 85 ёшда ҳам фақат ерга, меҳнаткаш қўлларга ишониб яшади. Томорқага меҳрини бериб кам бўлгани йўқ. Биз олти фарзандни ҳалол ризқ билан вояга етказиб, ўқитиб, уйли-жойли қилди. Янги қишлоқдан Умар акамга алоҳида участка қуриб, рўзғорини бўлак қилиб бердик. Томорқа еримизда мевали дарахтнинг барча туридан бор. Шу боис, дастурхонимиз қишинёзин тўкин, гуручдан бошқаси ўзимиздан чиқади. Хуллас, йил-ўн икки ой фойдали меҳнат билан машғулмиз. Шунинг эвазига биз пулни эмас, пул бизни излаб хонадонимизга ўзи кириб келади.

Куш уясида кўрганини қилади, деганларидек биз фарзандлар ҳам меҳнат ва деҳқончиликдан завқ олиб яшаяпмиз. Айниқса, отамнинг шогирдлари уй-жойи, боғ-роғларини кўрсам, дилим яйрайди. Азиз падаримнинг меҳнатлари бесамар кетмаганидан қувонаман.

Усмонжон айтгандек, муаллимнинг юзлаб шогирдлари устоз йўлидан бориб, боғ-роғлар барпо этиб, эл маъмурчилигига наф келтираётган бўлса, минглаб издошлари ўз томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, хонадонга барака киритишмоқда.

— Халққа наф келтириш, икки дунё саодатига тенг. Ҳамиша элга қайишинглар, деб ўргатганлар отам, — дейди у. — Айниқса, касаба уюшмаларининг янги боғлар ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини эшитиб, савобли ишни бошлагани учун бу нуфузли ташкилотдан қанчалар мамнун бўлган эдилар. Касаба уюшмаларининг томорқага эътибор қаратгани янаям хайрли бўлибди, деганлари кечагидай ёдимда. Отам ҳам бу ташаббусга қўшилиб, невараларини олдиларига олиб, янги уй қурган ёш оилалар томорқасига ўз қўллари билан кўчат ниҳолларини экканларини эсласам, нуроний ёшда ҳам отамнинг саховатли ва ҳаракатчан бўлганларига қойил қоламан. Атроф мактаблардаги касаба уюшма раислари келиб, уйимиздан анча-мунча кўчат олиб кетишганига ўзим гувоҳман. Томорқадан фойдаланиш борасида уларга қўлланма ва маслаҳатлар ҳам бергандилар.

Усмонжон ёшларга хос илдам қадам билан бизни томорқа томон бошлайди.

— Маҳаллий ўғит, айниқса, қўйнинг қийи ернинг хамиртуруши, уни кўпчитиб семиртиради, қолаверса, қишда қиздириб, ёзда намлигини бир маромда ушлаб туради. Бундай заминда ўсган сабзавот ва меваларнинг дориворлик хусусияти ортади. Ишонасизми, йўқми, томорқамизда қишда ҳам барра пиёз ва исмалоқ ям-яшил барг ёзиб ўсади.

Усмонжон сўзининг исботи сифатида бир сиқим тупроқни қўлига олиб эзади. Донадор тупроқ бармоқлари орасидан тўкилиб кетади. Ерга қадам қўйсангиз оёғингиз ботади, ҳайратланарлиси, бироздан сўнг изингиз ўзўзидан кўмилади.

Муаллимнинг хонадони қишнинг чилласида ҳам яшилликка бурканиб туради. Иссиқхонада кўкатлар барқ уриб ўсади. Хонадонда яхши бир одат бор: деҳқончилик маҳсулотларини сотганда пулига талашишмайди. Борига барака қилиб кетаверишади:

— Ер саховатни яхши кўради, дердилар отам ҳамиша. Унинг неъматларини одамларга беминнат улашсанг, сенга янада кўпроқ барака ва ҳосил беради. Бу ҳақиқатга ўзим ҳам ҳаётий тажриба асосида неча марта дуч келганман.

Усмонжон қантак ўрик дарахтининг ялтироқ довуччаларига тикиларкан, сўзида давом этади:

— Қаранг, ана шу дарахтдаги ўрик пишгач, шохида қуриб, ғулинга (туршак) айланади. Отам айтганидек, ўрикда ҳикмат кўп. Ота-боболаримиз ҳам уни хосиятли мева деб билишган. Шифобахшлигидан ташқари, қишин-ёзин дастурхонни обод қилади. Яна озиқлиги, тўйимлилигини айтмайсизми! Айниқса, эртапишар ўрик кони фойда. Томорқасида 10 туп ўриги бўлган киши ҳеч қачон оч қолмайди. Ҳатто данаги ҳам даромад манбаи. Ўрикдан шарбат, мураббо қилишдан ташқари қоплаб туршак тайёрлаймиз. Данагидан жувозда ёғ тортилади. Бу ёғ бадандан бодни ҳайдайди, қувват беради. Уни емабсиз, дунёга келмабсиз. Бу отамнинг сўзлари.

Файзулла муаллимнинг: «Саодатли кунлар қадрига етинглар. Озодлик уни англаганники, унинг қадрига етганники ва унга муносиб бўлганларники», — деган сўзлари ёдимга тушади беихтиёр.

Хотира аталмиш буюк мўъжиза бор экан, Файзулла муаллимдек эл ишига камарбаста азиз инсонлар номи, эзгу ишлари тиллардан дилларга кўчиб яшайверади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Омон бўлинг,

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 10-may № 57-58 (3251)

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Шеърий туҳфа

Иқтидорли, ёш шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаеванинг 2013 йил «Адолат» нашриётида нашр этилган «Йўл» шеърий тўплами назм шайдоларига муносиб туҳфа бўлди. Шеърий гулдаста олти рукнга ажратилган. У «Она» шеърида шундай мисралар битади:

Оналар бор экан, ҳаёт гўзалдир.
Оналар бор экан, меҳр ҳам тирик.
Сўзласам тоғлардан акс-садо келар:
Онадек азиз йўқ, онадек буюк.

Гулбаҳорнинг шеърлари яшашдан мақсад нималиги хусусида ўйлатади, севги-муҳаббат ҳақида ўқувчига ўзгача руҳ бахш этади. Шоира ким ва нима ҳақида ёзмасин, унда қалб қўри барқ уриб туради. У «Шоир» шеърида шундай ёзади:

Осмон тинмай шеър ёзаяпти,
Дурдек сўзлар тўкилар ерга.
Дилимдаги безовта ҳислар,
Нимагадир сиғмайди шеърга.

Шоирадан янги ижод тўпламларини кутиб қоламиз.

Рустам МАННОПОВ

ЛАВҲА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошкент трактор заводи» ОАЖ қошидаги Маданият саройида жойлашган бадиий кутубхона кўп йиллардан буён завод ишчилари, туман аҳолиси ҳамда мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Маърифат хазинаси

— Яқинда Маданият саройининг кичик залида «Жавонларда китоб бўлмаса...» деб номланган бадиий кеча ўтказдик, — дейди кутубхона мудираси Шаҳло Мирасилова. — Унда фаол китобхонлар, тумандаги 211-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди. Ўқувчилар ўзлари севган адиблар асарларидан парчалар ўқиб беришди. Асарлар асосида чизилган суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Фаол ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

1967 йилда ташкил этилган ушбу маскан ўзбек ва рус тилларидаги 20 840 та китоб фондига эга бўлиб, бугунги кунда доимий ўқувчилари сони 2300 нафарни ташкил этади.

Ўз мухбиримиз

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

Баҳорда таннинг бироз ҳориши — бор гап. Шундай пайтда спорт билан шуғулланишга нима етсин?.. Тан чиниқади, руҳ кўтарилади, кайфият ҳам ўнгланади. Касаба уюшмалари тизимида ташкил этилаётган спорт мусобақаларининг катта қисми айни шу паллага мўлжаллангани ҳам, юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Хуш кайфият манбаи

«Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда ташкилот бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида ташкил этилган икки босқичли спартакиада ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашда ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

Мусобақада ТШТТ филиали ва боғламалар ходимлари шахмат, шашка, стол тенниси ва мини футбол бўйича баҳслашдилар.

Хусусан, стол тенниси учрашувлари анча малакали ўтди. Станцияларо боғламаси вакили Дмитрий Цой, аёллар ўртасида Миробод телефон боғламаси ходимаси Евгения Сараева барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Ақл чархи — шахматда эса ТШТТ филиали шарафини ҳимоя қилган Ёдгор Олимжонов, аёллар ўртасида Марказий телефон боғламаси вакиласи Зуҳра Азимова шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Шашка бўйича Алишер Турсунов (ТШТТ филиали) ҳамда Маргарита Семахина (Миробод телефон боғламаси) ғолиб деб топилди.

Мини футболда Чилонзор телефон боғламаси жамоасини енгадиган рақиб топилмади. Кейинги ўринлар Мирзо Улуғбек тумани ва Марказий телефон боғламаси жамоаларига насиб этди.

— Саломатлик ва хуш кайфиятга етадигани йўқ. Мусобақа ташкилотчиларига барча иштирокчилар номидан миннатдорчилик билдирамиз, — деди биз билан суҳбатда Зуҳра Азимова.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Таиланднинг Бангкок шаҳрида енгил атлетика бўйича Осиё Гран-присининг биринчи босқичи якунланди.

Бир олтин, уч кумуш, икки бронза

Йигирмадан зиёд давлатдан 400 дан ортиқ спортчи иштирок этган мусобақада юртимиз терма жамоаси аъзолари бир олтин, уч кумуш ва икки бронза медални қўлга киритди.

Узунликка сакраш баҳсида умидли спортчимиз Даря Резниченко 6,52 метр натижа қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Тажрибали атлетимиз Юлия Тарасова эса 6,11 метр натижа билан бронза медал соҳибасига айланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Бобур Шокиржонов найза улоқтиришда, Гўзал Хуббиева 100 метрга югуришда ва Надия Дусанова баландликка сакрашда иккинчи ўринларни эгаллашди, ядро ирғитишда Григорий Камуля учинчи бўлди.

Енгил атлетика бўйича терма жамоамиз аъзолари 8-12 май кунлари Таиланднинг Чонбури ва Шри-Ланканинг Коломбо шаҳарларида бўлиб ўтадиган Осиё Гран-присининг иккинчи ва учинчи босқичларида ҳам иштирок этади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

ТЕННИС

Ғалаба яна Денисда

Юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Мастерс» туркумига кирувчи «Mutua Madrid Open — 2013» халқаро турнирида биринчи давра баҳсида белгиялик Ксаве Малиссени 6:3, 6:2 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўл олди.

Вакилимиз кейинги турда жаҳоннинг тўртинчи ракетка соҳиби испаниялик Давид Феррерга қарши кортга чиқади. Турнирнинг мукофот жамғармаси 3,3 млн. евродан иборат.

«ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ — 2014»

Полвон — фахрий элчи

Пойтахтимизда 2014 йилда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтадиган XVII Осиё ўйинларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мусобақа ташкилий қўмитаси Олимпия ҳаракатини оммалаштириш ҳамда бўлажак Осиё ўйинларини кенг тарғиб этиш мақсадида спорти жадал ривожланаётган олти мамлакат — Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Сингапур, Вьетнам ва Хитойда «Инчеон — 2014» мусобақаси тақдимотига бағишланган расмий тадбирларни ўтказишни режалаштирган.

Тадбир доирасида жорий йилнинг 29 июн — 6 июл кунлари Инчеон шаҳрининг ёпиқ иншоотларида ўтказилган жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари ҳақида кенг маълумот берилди. Ушбу нуфузли мусобақа дастуридан дунё миқёсида жадал ривожланаётган ўн икки спорт тури жой олган. Бу рўйхатда ўзбек кураши ҳам бор. Айни пайтда мамлакатимиз спортчилари мазкур мусобақанинг кураш, шахмат, сузиш, футзал, боулинг, замонавий компютер ўйинлари, спорт рақси, кикбоксинг ва муайтай бўйича беллашувларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.



Дзюдо бўйича кўп карра Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров мусобақанинг фахрий элчиси этиб тайинланди.

— Ташкилий қўмита танловини жудаям қадрлайман. Фахрий элчи сифатида мусобақани кенг миқёсда тарғиб этиш зиммамга катта масъулият юклайди, — деди полвонимиз.

«Хотира ва қадрлаш» топқирлик машқлари

АЙЛАНМА КРОССВОРД. Жавобларни шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзинг: **1.** Ҳарбий ёки фуқаролик бурчини намунали адо этганлик учун бериладиган турли даража ва номдаги нишон. **2.** Ўзбекистон халқ шоири, «Кафансиз кўмилганлар» автобиографик қиссаси, «Тирик руҳлар» роман-хроникаси асарлари муаллифи. **3.** Қатағон қурбони, ўзбек шоири ва журналисти. **4.** Фашизмга қарши уруш қатнашчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Шинелли йиллар» романи ва қатор лирик шеърлар муаллифи. **5.** Хоразм диёрида яшаб ўтган аллома, мўғил истилочиларига қарши курашда ватанпарварлик тимсолига айланган юртдошимиз. **6.** Мамлакатимизда илк «Хотира майдони» ташкил этилган шаҳар. **7.** Қадимги юнон муаррихи Геродот асос солган фан, ўтмиш, мозий. **8.** Мангулик, чексиз давом этиш. **9.** Ўзбек мумтоз шоири, бетакрор олим, она ватанини қўмсаб яшаган темурийзода ҳукмдор. **10.** Атоқли ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби, биринчи ўзбек профессори, мустабид тузум қатағони қурбони. **11.** Ҳаётдан тўла мамнунлик ва беармонлик, толе. **12.** Алгебра фанига асос солиб, ҳисоб илмида янгиликлар яратган ўрта аср қомусий алломаси, ватандошимиз. **13.** Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик. **14.** Ватанимиз мустақиллиги йилларида шарафига Қува шаҳрида ёдгорлик ҳайкали ўрнатилиб, дунё миқёсида тавалудининг 1200 йиллиги нишонланган қомусий аллома. **15.** Аждодларимиз жасоратида юзага келадиган ғурурланиш ҳисси. **16.** Маълум бир кимса, нарса ёки ғояга астойдил берилган, улар учун борини беришга ҳам тайёр инсон. **17.** Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари ва фашизмга қарши уруш даври баён этилган «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. **18.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Тушда кечган умрлар» романи, «Қатағон» драмаси муаллифи, «Буюк хизматлари учун» ордени совриндори. **19.** Ўзгаларга қилинган холис ёрдам, эзгу фаолият. **20.** Истиқлолимиз йилларида осойишталик, инсонлар қадрини ошириш борасида аҳамият касб этаётган шаҳарнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ўзўзини бошқаришга асосланган ижтимоий ҳудуд. **21.** Абадий, умрбод сўзларининг китобий атамаси. **22.** Ўзбек ва форс тилларида асарлар ёзиб қолдирган қўқонлик шоир, мумтоз адабиётимиз намояндаларидан бири. **23.** Инсондаги ўзгаларга бўлган раҳмдиллик, шафқат кўрсатиш фазилати. **24.** Бирор атоқли шахс ёки воқеа-ҳодиса хотираси учун бунёд этилган амалий санъат асари, ҳайкал.

МУАММОНОМА. Қуйида таърифлари баён этилган калит сўзлар жавобларини топиб нуқталар ўрнига ёзинг.

1. Ҳуқуқшунос олим, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — . . . . . .

2. Ўзбекистон халқ рассоми, ижодида Шарқ миниатюраси анъаналарини давом эттириб, миллий мусаввирлик мактаби асосчиси, Алишер Навоий достонлари қаҳрамонларини мўйқаламда гавдалантирган устоз — . . . . . .

3. Мақолдан: . . . . . синовда чиниқади.

4. Атоқли кино ва театр санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, «Келинлар қўзғолони» филмида Уста Боқи образи ижрочиси — . . . . . .

5. Ривоятларга кўра, бир оёқда турган ҳолати шу масканда тинчлик-хотиржамликни акс эттирувчи парранда — . . . . . .

6. Ўз даврида аҳамият касб этган «Олти тилли луғат» тузган наманганлик ўзбек маърифатпарвари, шоир — . . . . . .

7. Тарихий асарлар ёзиб қолдирган ўзбек қиссанавис адиби — . . . . .

8. Маърифат арбоби, Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, илк дарсликлар муаллифи, устоз муаллим, қатағон йиллари қурбони — . . . . . .

9. Мўътабар ёшдаги мартабали инсон — . . . . . .

10. Аждодлар иш фаолияти, анъаналарини, маҳорат сирларини узвий давом эттирувчи авлод, насл — . . . . . .

11. Шижоати, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, мардлик кўрсатиб танилган инсон — . . . . . .

12. Халқ қизиқчиси, Юсуфжон қизиқнинг ҳамкори, комедия саҳна асрларидаги образлар ижрочиси — . . . . . .

13. Биокимёгар олим, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби — . . . . . .

14. Илм, ҳунар каби жиҳатдан тўла ривожланган баркамолликка эгалик даражаси — . . . . . .

15. Амалга оширилган хайрли фаолият - . . . . . .

16. «Падаркуш» драмаси билан ўзбек драматургиясига асос солган маърифатпарвар ижодкор — . . . . . .

17. «Зарбулмасал» нодир асарини ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз шоири, масалнавис — . . . . . .

18. Ўзбек шоираси, лирик шеър, достон ва қиссалар муаллифи, атоқли адиб Саид Аҳмаднинг садоқатли умр йўлдоши — . . . . . .

19. Ватан ва халқ олдидаги бурчини адо этишдаги мардона хизматлари учун бериладиган давлатимизнинг олий нишони — . . . . . .

20. Таниқли ўзбек кўз касалликлари шифокори, тиббиёт фанлари доктори — . . . . . .

21. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим, «Ижодни англаш бахти» асари муаллифи, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган устоз мураббий — . . . . . .

22. Ҳаёт, иш фаолиятида амалга оширилган ёрдам, ҳомийлик — . . . . . .

Энди шакл атрофидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги биринчи ҳарфлар билан алмаштириш асосида муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ижодига мансуб тўрт мисра шеърни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг навбатдаги сони 14 май, сешанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 511 | 19831 nusxada bosildi | 12345